

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВ ФУЗАИЛ АХАДУЛЛА ЎҒЛИ**

**ФОРС КЎРФАЗИ АРАБ МОНАРХИЯЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ**  
**ТАШҚИ СИЁСАТИДА ЭНЕРГЕТИКА ОМИЛИ**

**23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг**  
**сиёсий муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**УДК 327:620.9»267.35»**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Махмудов Фузаил Ахадулла-ўғли**

Форс кўрфази араб монархияларининг замонавий ташқи сиёсатида энергетика омили.....

**Махмудов Фузаил Ахадулла-угли**

Энергетический фактор в современной внешней политике арабских монархий Персидского залива.....

**Makhmudov Fuzail Akhadulla ugli**

The energy factor in the modern foreign policy of the Arab monarchies of the Persian Gulf.....

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01****РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВ ФУЗАИЛ АХАДУЛЛА ЎҒЛИ**

**ФОРС КЎРФАЗИ АРАБ МОНАРХИЯЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ**  
**ТАШҚИ СИЁСАТИДА ЭНЕРГЕТИКА ОМИЛИ**

**23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг**  
**сиёсий муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертантиси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Siyos119 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Раҳманкулов Мир-Ақбар Ходжи-Ақбарович  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Мунавваров Зоҳидулло Иномходжаевич  
сиёсий фанлар доктори, профессор

Рахимов Мирзохид Акрамович  
тарих фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси ТИВ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети хузуридаги DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2020 йил 29 Сендёр соат 4 22 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳкўчаси, 54. Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00, e-mail: [rectorat@uwed.uz](mailto:rectorat@uwed.uz))

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4/229 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳкўчаси, 54. Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00)

Диссертация автореферати 2020 йил «29» Сендёр кuni тарқатилди.

(2020 йил «  » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Хамедов И.А.**  
Илмий даражалар берувчи, Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Умарханова Д.Ш.**  
Илмий даражалар берувчи, Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар доктори, доцент

**Жўраев Қ.А.**  
Илмий даражалар берувчи, Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, сиёсий фанлар доктори, доцент

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Форс кўрфази араб монархиялари жаҳон углеводородлар захирасининг 60 фоизига эгалик қилиб, ҳозирги халқаро геосиёсий ва иқтисодий тизимда муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқалари, энг аввало, углеводород хом ашёсини технологик жиҳатдан қайта ишлаб чиқариш ва алоҳида давлатлар ўртасида тақсимлаш жараёнида яққол кўзга ташланади. Углеводородлар уларга эгалик қилувчи давлатлар учун бошқа давлатларга ижтимоий-сиёсий таъсир кўрсатишнинг самарали механизми ҳисобланади. Монархияларнинг улкан углеводород захираларига эгаллиги уларнинг стратегик ва геоиқтисодий аҳамиятини глобал мезонлар билан ўлчанадиган сиёсий омиллар қаторига қўяди.

Форс кўрфази монархияларининг энергетик, иқтисодий тузилмасини ривожлантириш, халқаро майдонда ўз миллий манфаатларни илгари суриш борасида тўплаган кўп йиллик тажрибаси илмий жиҳатдан алоҳида қизиқиш уйғотади. Шу боис асосий эътибор ушбу мамлакатлардаги ички ва минтақавий зиддиятларнинг халқаро иқтисодий ва энергетик хавфсизликка таъсири тадқиқ этишга қаратилмоқда. Иқтисодий ва сиёсий хавфсизликни таъминлашда энергетика ресурсларига бой давлатлар ташқи сиёсати келгусида қайси йўналишларда ривожланишини аниқлашга ёрдам берадиган тадқиқотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Тадқиқотларда Яқин Шарқ минтақасидаги табиий ресурслар истиқболи, ташқи акторларнинг минтақа давлатлари ички ишларига таъсири, Форс кўрфази энергетика саноатида ўтиши ҳамда Кўрфаз мамлакатлари иқтисодиётининг ўз углеводород захирасини сақлаб қолган ҳолда муқобил энергия ташувчиларга ўтиши ва стратегик истиқболларига ҳал қилувчи таъсирга эга бўлиши асосланган.

Форс кўрфази араб монархиялари энергетика сиёсати ўз ташқи сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Мазкур давлатларнинг энергетика сиёсати орқали ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаш тажрибаси, энергия ресурсларини экспорт қилувчи ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда Ўзбекистон газ етказиш тизимини модернизация қилиш ва SCADA газ оқимини бошқариш лойиҳасини амалга оширишни режалаштирмоқда<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан экспорт, геология-қидирув ишларини олиб бориш ва бу соҳадаги лойиҳаларни молиялаштириш методлари борасидаги ушбу минтақа мамлакатларининг амалиётини ўрганиш Республикамиз энергетика соҳасини ривожлантиришда самарали хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги (2019) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон

<sup>1</sup>Мирзиёев, Ш.М. Нефт ва газ соҳасининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари // Халқ Сўзи. – 2018. – 20 ноябрь.

Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон «Ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 21 мартдаги ПҚ-4249-сон «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида», 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон «Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодийнинг шаклланиши» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу мавзу бўйича нашр этилган ва муаллиф кўриб чиққан ишларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

*Биринчи гуруҳга* мамлакатимиз ва чет эл олимларининг халқаро муносабатлар субъектлари энергетика сиёсатининг назарий-методологик жиҳатларини ўрганишга бағишланган асарлари киради. Ушбу илмий ишлар минтақа давлатлари замонавий сиёсатларини тарихий таҳлил қилишнинг анъанавий усуллари асосида ҳам, тизимли таҳлил усуллари асосида ҳам тайёрланган.

Ўзбекистонлик олимлар ва мутахассисларнинг диссертация мавзусига оид тадқиқотлари орасида А. Абдусаттаров, С. Гафуров, З. Мунавваров, М. Муҳаммадсиддиқов, Т. Сатторов, З. Соипов, И. Тангиров, А. Хасанов, Р. Қосимов ва бошқаларнинг илмий ишларини ажратиб кўрсатиш жоиз<sup>2</sup>.

Тараққий топган постиндустриал давлатлар энергетика соҳаларининг ривожланиши оқибатида юзага келган муаммолар К. Алёшин, Е. Бугров, А. Булатова, В. Бушуев, Л. Валькова, А. Васильев, М. Катс, Н. Кеддие, Ж. Келли, С. Мак-Чее, Ж. Мелиссен, С. Риордан, А. Шарова, П. Шарп,

---

<sup>2</sup> Абдусаттаров А. Форс кўрфази араб давлатлари ташки сиёсатида Ислом омилининг сиёсий таҳлили: Сиёсий фан. номз. дис. – Т., 2005; Гафуров С. Форс кўрфази араб давлатлари ва Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва умумжаҳон хавфсизлигини таъминлашдаги мавқеи: Сиёсий фан. номз. (д-ри 2005) дис. – Т., 1999; Мухаммадсиддиқов М. Саудия Арабистонининг Қизил денгиз минтақасида хавфсизлиқни таъминлаш сиёсати хусусиятлари. – Т., 2005; Сатторов Т., Қосимов Р. Капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсатида Яқин Шарқ нефти. – Т., 1980; Соипов З. Исламский фактор во внешней политике США в условиях формирования нового мирового порядка: Дис. канд. полит. наук. – Т., 2010; Тангиров И. Иран и политические процессы в зоне Персидского залива: Дис. канд. полит. наук. – Т., 2002.

М. Ҳамид, Б. Ҳокинг сингари олимларнинг илмий ишларида назарий-методологик таҳлил қилинганини кузатиш мумкин<sup>3</sup>.

*Иккинчи гуруҳга* Яқин Шарқ минтақасининг машҳур олимларидан Р. Али Шайх, С. Амираҳмадий, Ҳ. Амирзодаги, М. Зариф, А. Мирза Тоҳир, Б.Мусаввар-Раҳмон каби олимларнинг ишларини киритиш мумкин<sup>4</sup>.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Замонавий халқаро муносабатлар ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Форс кўрфази монархиялари энергетика сиёсатларининг ривожланиш тамойилларини, шунингдек уларнинг ўз ташқи ва ички сиёсатларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишларига таъсир этувчи механизмларни Ўзбекистон Республикасининг энергетика хавфсизлигини таъминлаш ва Яқин Шарққа оид сиёсатини такомиллаштириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

монархиялар энергетика сиёсатларининг ҳозирги ҳолати шаклланишининг тарихий шарт-шароитларини тадқиқ этиш;

Кўрфаз давлатлари энергетика сиёсатининг мазмун-моҳиятини аниқлаш;

минтақа давлатларининг углеводородларни экспорт қилиш соҳасидаги стратегияларининг шаклланиш ва амалга оширилиш жараёнини тадқиқ

---

<sup>3</sup>Nameed M. Saudi Arabia. The West and security of the Gulf. – L., 2014. – 322 p.; Hocking B., Melissen J., Riordan S., Sharp P. Futures for Diplomacy. Integrative Diplomacy in the 21st Century. – Netherlands: Institute of International Relations. Clingendael, 2012. – Report 1. – October. – P. 1–78; Kats M. Russia and Arabia: Russian foreign policy toward the Arabian Peninsula. – L.: John Hopkins Univers. Press, 2010. – 279 p.; Keddie N. Roots of revolution. An interpretive history of modern Iran. – L., 2006. – 321 p.; Kelly J. Arabia, the Gulf and the West. – L., 2008. – 530 p.; Matthews K. The Gulf Conflict and International Relations. – L. and N.Y., 2009. – 339 p.; Mc-Chee C. The strategic importance of Iran, Afghanistan and Pakistan to the United States // Russian and American relations with Pakistan, Iran and Afghanistan. – Basingstoke, 2012. – 437 p.; БугровЕ. США: нефтяные концерны и государство. – М., 1978. – 263 с.; БулатоваА. Страны и регионы мира: экономико-политический справочник. – М.: Перас, 2016. – 698 с.; Бушуев В. «Умная» энергетика на базе новых организационно-технологических принципов управления инфраструктурными системами // Интеллектуальная электроэнергетика, автоматика и высоковольтное коммутационное оборудование: Мат-лы XI-й межд. науч.-техн. конф.– М.: Энергия, 2011; Бушуев В. Перспективы развития мировой энергетике до 2050 г. Доклад на Ярославском Энергетическом Форуме. – Ярославль, 2010; Валькова Л. Саудовская Аравия: нефть, ислам, политика. – СПб., 2013. – 255 с.; Валькова Л. Саудовская Аравия: нефть, ислам, политика. – М., 1987. – 255 с.; Васильев А. История Саудовской Аравии. – М., 2008. – 612 с.; Васильев А. Персидский залив в эпицентре бури.– М.: Госполитиздат, 1983. – 138 с.; Алешин К. Развитие производственной инфраструктуры как фактор межарабской интеграции // Ближ. Восток и современность. – М., 2008. – Вып.34. – С.13–24; Шарова А.Ю. ЕЭС стран Персидского залива // Азия и Африка сегодня. – 2013. – № 2. – С. 35

<sup>4</sup>Ali Sheikh R. Oil and power: politic dynamics in the Middle East. – L.: Printer, 2008. – 173 p.; Amirahmadi S. Iran and the Arab world. – L.: Macmillan, 2003. – 264 p.; Amirzadegi H. The security of the Persian Gulf. – L., 2010. – 266 p.; Mirza Tahir A. The Gulf Crisis & The New World Order. – Islamabad: International Publications Limited, 2008. – 396 p.; Moussavar-Rahman B. Managing Energy Markets. – L.: Foundation Repsol, 2014. – 142 p.; Zarif M. Multilater of Sanctions in International Relations. –NY.: Klondaice press, 2009. – 369 p.

этилаётган мамлакатларнинг ташқи сиёсий манфаатларини илгари суришнинг асосий воситаларидан бири сифатида ўрганиш;

ҳозирги жаҳон углеводородлар бозорларида кечаётган тизим ҳосил қилувчи жараёнларни тадқиқ этиш;

глобал энергетик жараёнларнинг, хусусан ФКАДХК (ССАГПЗ) ва Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) ва бошқа халқаро ташкилотларнинг Кўрфаз давлатлари энергетика сиёсатларига таъсир этишининг асосий механизмларини кўриб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Форс кўрфази араб монархиялари ҳозирги ташқи сиёсатидаги энергетика омили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Форс кўрфази давлатларида энергетика сиёсати шаклланиши ва юритилишининг сиёсий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тизимли, киёсий, концептуал ва тоифавий (кросс категориал) таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Форс Кўрфазидаги энергетика соҳаси билан боғлиқ масалалар Яқин Шарқ минтақасидаги табиий ресурсларнинг нотекис тақсимланганлиги ва ташқи акторларнинг минтақа давлатлари ички ишларига аралашуви, улар томонидан сунъий равишда озиклантириб турилаётган рақобат мураккаб ечим талаб қиладиган сиёсий, иқтисодий ва маданий мафкуравий муаммога айланганлиги асослаб берилган;

Кўрфаз монархияларининг энергетик стратегияси ушбу мамлакатларда олдин яратилган ва ҳозирда фаолият юритаётган нефт-газ инфратузилмаларига муқобил эгергия турларини кўшиш бўлиб, технологик нуқтаи назардан уни амалга ошириш осон эмаслиги исботланган;

Монархия давлатларининг ички эҳтиёжлар учун атом энергиясига босқичма-босқич ўтиш стратегияси ХХI асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошланганлиги Бирлашган Араб Амирликларининг Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) билан мақсадли келишувлари ва Барака атом электростанцияси қурилиши яққол далолат бериб, минтақа мамлакатларида атом энергетикасининг ривожланишини бир вақтнинг ўзида барқарор тамойил, ҳам Форс кўрфази энергетика саноатида ўтиш даври бошланишининг тренд кўрсаткичи деб ҳам аташ мумкинлиги асосланган;

Монархияларнинг углеводород бозорида шиддат билан кечаётган сиёсий ва глобал молиявий-иқтисодий жараёнларни тўла асосда жаҳонда энергетик мувозанатга эришишга таъсир этувчи етакчи омиллардан бири сифатида таснифлаш билан биргаликда, айти пайтда Кўрфаз мамлакатлари иқтисодиётининг ўз углеводород захирасини сақлаб қолган ҳолда муқобил энергия ташувчиларга ўтиши эҳтимоли, афтидан, жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатининг стратегик истикболларига ҳал қилувчи таъсирга эга бўлиши асосланган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

минтақа давлатларида миллий иқтисодиётни муқобил энергия манбаларига ўтказган ҳолда ички истеъмолни экспорт эҳтиёжларига йўналтириш орқали иқтисодиётнинг углеводород соҳаси келтирадиган самарадорлигини оширишга қаратилган энергетика сиёсатининг ривожланиш тенденциялари прогнозлари ишлаб чиқилган;

«энергетик дипломатия», «энергетик хавфсизлик», «араб минтақалашуви», «энергия самарадорлиги» тушунчаларига муаллиф таърифлари таклиф этилган;

Форс кўрфазининг барча давлатлари иштирокида, жумладан энергетика соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг мутлақо янги механизмини шакллантиришнинг тизим ҳосил қилувчи тамойил ва қонуниятлари очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги унда расмий нашрларда чоп этилган статистик маълумотлар ҳамда апробациядан ўтган монографик тадқиқот натижаларидан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтгани ва олинган натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти улардан Форс кўрфази монархиялари ташқи, жумладан энергетика сиёсати орқали давлат ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналишларини белгилашда ва махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда манба сифатида фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар муайян даражада Форс кўрфази монархиялари энергетика сиёсатининг устувор йўналишларини ўрганишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Форс кўрфази араб монархияларининг замонавий ташқи сиёсатида энергетика омили тадқиқи асосида:

Форс Кўрфазидаги энергетика соҳаси билан боғлиқ масалалар Яқин Шарқ минтақасидаги табиий ресурсларнинг нотекис тақсимланганлиги ва ташқи акторларнинг минтақа давлатлари ички ишларига аралашуви, улар томонидан сунъий равишда озиклантириб турилаётган рақобат мураккаб ечим талаб қиладиган сиёсий, иқтисодий ва маданий мафкуравий муаммога айланганлиги бўйича илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ахборот-таҳлилий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2019 йил 29 ноябрдаги №04-5/51276-сон маълумотномаси). Мазкур хулоса Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Форс кўрфази мамлакатлари билан ташқи алоқаларни мустаҳкамлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган омиллар қаторига киритилган;

Кўрфаз монархияларининг энергетик стратегияси ушбу мамлакатларда олдин яратилган ва ҳозирда фаолият юритаётган нефт-газ инфратузилмаларига муқобил эгергия турларини кўшиш бўлиб, технологик нуқтаи назардан уни амалга ошириш осон эмаслиги бўйича илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти (СМТИ)нинг ахборот-таҳлилий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг 2020 йил 11 сентябрдаги № 05-5/611-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижалар жаҳон углеводород бозорининг ривожланиш истиқболи бўйича хулосаларни асослашга хизмат қилган;

Монархия давлатларининг ички эҳтиёжлар учун атом энергиясига босқичма-босқич ўтиш стратегияси ХХI асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошланганлиги Бирлашган Араб Амирликларининг Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) билан мақсадли келишувлари ва Барака атом электростанцияси қурилиши яққол далолат бериб, минтақа мамлакатларида атом энергетикасининг ривожланишини бир вақтнинг ўзида барқарор тамоил, ҳам Форс кўрфази энергетика саноатида ўтиш даври бошланишининг тренд кўрсаткичи деб ҳам аташ мумкинлиги бўйича илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти (СМТИ)нинг ахборот-таҳлилий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг 2020 йил 11 сентябрдаги № 05-5/610-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижалар Яқин Шарқ давлатлари ривожини баҳолаш ва истиқболи бўйича хулосаларни асослашга хизмат қилган;

Монархияларнинг углеводород бозорида шиддат билан кечаётган сиёсий ва глобал молиявий-иқтисодий жараёнларни тўла асосда жаҳонда энергетик мувозанатга эришишга таъсир этувчи етакчи омиллардан бири сифатида таснифлаш билан биргаликда, айти пайтда Кўрфаз мамлакатлари иқтисодиётининг ўз углеводород захирасини сақлаб қолган ҳолда муқобил энергия ташувчиларга ўтиши эҳтимоли, афтидан, жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатининг стратегик истиқболларига ҳал қилувчи таъсирга эга бўлиши тўғрисидаги илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг ахборот-таҳлилий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг 2020 йил 11 сентябрдаги № 05-5/610-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижалар жаҳон углеводород бозорининг ривожланиш истиқболи бўйича хулосаларни асослашга хизмат қилган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

### **Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 123 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан ўзаро алоқадорлиги кўрсатилган, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги аниқланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий тадқиқот усуллари кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, нашр қилинган ишларга доир маълумотлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тавсифланган.

Диссертациянинг «**Форс кўрфази араб монархияларининг энергетик сиёсатини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» номли биринчи бобида ҳозирги замон сиёсатшунослигида давлатларнинг, жумладан, араб монархияларининг энергетик салоҳиятини баҳолашда фойдаланиладиган назарий-концептуал ёндашув ва таълимотларни тадқиқ этишга ҳаракат қилинган. Ушбу методологик ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган барча давлатларнинг энергетик дипломатияси ҳамда энергетика соҳаларининг чуқур тарихий шаклланиши таҳлил қилинган, шунингдек бутун боб бўйича умумий илмий хулосалар берилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи «**Араб монархиялари энергетик салоҳиятининг асосий кўрсаткичларини ўрганиш усуллари**» деб номланган бўлиб, унда амалга оширилган тадқиқотлар тизимли ёндашув ҳар доим ҳам ишламаётганини, миллий манфаатларга асосланган энергетика сиёсатларининг ўзаро мос келмаслиги импорт, экспорт ва транзит қилувчиларнинг турли сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, ҳарбий-сиёсий кўринишларда намоён бўлаётган босим ўтказиш воситасига айланишига олиб келаётганини кўрсатди.

Форс кўрфази давлатлари ўзларининг энергетик салоҳияти ва углеводород ресурсларига эгалик қилишидан жаҳон ҳамжамиятига тазйик ўтказиш, халқаро ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий жараёнларнинг

боришига таъсир этиш воситаси сифатида фойдаланмоқдалар. Бунга мисол қилиб Форс кўрфази давлатларининг 1973 ва 1979 йилларда бир қанча қитъаларни энергоресурслар, хусусан, нефть билан таъминлашда муаммолар келтириб чиқарган энергетик эмбаргосини келтириш мумкин.

Тадқиқот давомида муаллиф тарихий таҳлил ҳамда муайян давлат сиёсатининг алоҳида тизим ташкил этадиган, шунингдек раҳбарлари ва улар томонидан шакллантириладиган сиёсий элитанинг манфаатлари таъсирида юзага келадиган унсурларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган тизимли моделни яратиш – монархия шаклида бошқариладиган давлатлар энергетика сиёсатининг моҳияти ва мазмунини аниқлашда энг самарали усул деган хулосага келди.

Бунда тадқиқ этилаётган давлатлар энергетик сиёсатини шакллантиришдаги тизим ташкил этувчи элементларнинг ахборот ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан бир қаторда турадиган энг муҳим таркибий қисми энергетик хавфсизликни таъминлаш бўлиб, у ташқи сиёсатнинг энг асосий мақсади ҳисобланади.

**«Монархиялар энергетика дипломатиясининг категориал таҳлили»** деб номланувчи 1.2-параграфда замонавий категориал (тоифавий) таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда монархияларнинг энергетика стратегиялари ҳамда дипломатиясининг табиати ва амалга оширилишига хос жиҳатлари тадқиқ этилди.

Барчага маълум кросс-категориал таҳлил шаклига (қолипига) мувофиқ минтақа монархиялари тизимли мезонлар асосида алоҳида тоифаларга ажратилди. Улар олиб бораётган энергетика дипломатиясига билвосита ёки бевосита алоқадор бўлган барча категориялар (тоифаларнинг) таркибий қисмлари аниқланди ва таҳлил қилинди.

Таҳлилнинг иккинчи босқичида минтақа давлатлари энергетика сиёсатининг шаклланишига тизимли равишда таъсир этаётган омилларни тавсифлаш учун етарли маълумотлар олиш даврий чегараси XXI асрнинг илк йилларидан бошлаб ҳозирга қадар этиб белгиланди.

Тадқиқотнинг биринчи ва иккинчи босқичларида эришилган натижалар минтақа давлатларининг энергетик стратегиялари, энергетик дипломатиялари қайси моделлар бўйича ривожланишини, шунингдек бутун глобал ва минтақавий энергетика сиёсати эволюциясининг эҳтимол тутилган тамойилларини аниқлаш ва прогноз қилишнинг методологик асосларини яратишга (таҳлилнинг учинчи босқичига) ўтиш имконини берди.

Энергетик дипломатия ҳозирги босқичда – диалог (музокара) ва ҳамкорликнинг энг самарали воситаси, деган фикр диссертациянинг ушбу параграфида чиқарилган асосий методологик хулосадир. Ушбу воситанинг синергетик самарадорлиги глобал энергетика сиёсати тизимининг турли босқичларида, яъни (1) анъанавий йўналишдаги давлатлараро муносабатлар ҳамда (2) давлатлар билан бир қаторда нодавлат акторлар (ТМК, ихтисослашган институтлар ва ҳ.к.) ҳам иштирок этадиган глобал

йўналишдаги муносабатлар соҳаларида алоҳида тарзда намоён бўлади. Глобаллашув шароитида нодавлат акторларнинг ўрни кучайиб бормоқда.

Дунё энергия ресурслари бозорида муносабатларнинг анъанавий субъектлари бўлган давлатлар билан бир қаторда манфаатлари ўзаро мос келмайдиган турли глобал ноҳукумат тузилмалари кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда энергетик дипломатия энергетика соҳасида «глобал диалог» ни (музокарани) таъминлашга хизмат қиладиган ўзига хос «интеграцион дипломатия» вазифасини бажармоқда.

**«Араб монархияларида энергия омили ҳолатининг тарихий реминисценцияси»** номли 1.3-параграфда минтақада углеводород ресурслари «топилган» пайтдан (XX аср бошлари) то дунёдаги икки қутбли тизим барҳам топгунига қадар ўтган даврда (1990 йиллар охири) энергетика соҳасида сиёсий муносабатлар тизимининг шаклланиши, Форс кўрфазы монархиялари сиёсатида энергетик омилининг изчил ошиб бориши босқичлари хронологик таҳлил қилинди. Ушбу даврда минтақада йирик нефть конларининг топилиши энергетика ресурсларидан фойдаланишга бевосита алоқадор бўлган мустамлакачилик истилолари, жаҳон урушлари, инқирозлар билан бирга кечган. Диссертация ишида энергия омили аввал-бошданок минтақавий ва глобал геосиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб келгани, ушбу минтақа давлатлари ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари мазкур жараёнлар таъсирида шакллангани ҳақида хулоса чиқарилган ва асослаб берилган.

Энергетика сиёсатлари шаклланишининг дастлабки босқичларини ўрганиш шундан далолат берадики, бошқарувнинг монархия шаклида ижтимоий ҳамда ижтимоий-сиёсий институтларнинг ривожланмаганлиги кейинчалик ички мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий инқирозлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Монархияларнинг нисбий заифлиги, ҳокимиятнинг ташқи таъсирлар кучайиб бораётган шароитга мослаша олмаётгани ҳам айнан шу ҳолат билан боғлиқ эди. Аммо кўрфаз давлатларининг айнан қариндош-уруғлик муносабатларига асосланган тарихан шаклланган анъаначилик хусусиятлари, шунингдек аниқ мақсадга (нуқтага) қаратилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий модернизация туфайли ушбу мамлакатлар сиёсий элитаси ташқи беқарорликка қарши кураша олди.

Ана шу босқичда монархиялар Яқин Шарқдаги баъзи давлатларда СССРнинг нуфузи тобора ортиб бораётганидан чўчиб, эҳтиёткорона муносабатда бўлдилар. Баъзи Ғарб тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, Ироқ совет қурол-яроғи ва бевосита иқтисодий ёрдамига боғланиб қолган, Қувайт бир қатор совет қуролларини сотиб олган, Жанубий Яман ва Сурия эса Совет Иттифоқи билан фаол ҳамкорлик қилган. Бунинг устига, Ироқ, Сурия ва Яманда радикал-республикачилик ва кўп жиҳатдан секуляристик мафкура ҳукмронлик қилган<sup>5</sup>. Шу боис, Совет Иттифоқи монархияларга катта ҳарбий-стратегик хавф туғдиради деган хулосага келинган. «Лекин

<sup>5</sup>Quandt W.B., Saudi Arabia in the 1980s: foreign policy, security. – Wash., 2006. – P. 6.

монархиялар, – деб ёзади В.Куант, – нефть экспортидан олинадиган катта даромаднинг ташқи дунё билан муносабатларга таъсирини ва пулнинг кучини тушунган ҳолда, ўз эътиборларини кўпроқ ташқи сиёсий фаолиятга қаратиб, уни замонавий ва кенг қамровли қилдилар. Шу тариқа, монархиялар нафақат ўзларининг сиёсий хавфсизлигини кафолатлашга ҳам, маҳаллий аҳолини бузғунчи ва беқарорлаштирувчи ташқи таъсирдан сақлаб туришга ҳам ҳаракат қилишган»<sup>6</sup>.

1980 йилларда Ғарб қуйидаги стратегик муҳим масалаларни ҳал қилишдан манфаатдор эди:

Яқин Шарқда, жумладан Форс кўрфази ҳудудида халқаро сиёсий кескинликни авж олдириш;

қуйидаги мақсадларда ўз сиёсатининг тарафдорларидан иборат иттифокни (блокни) ташкил этиш: (а) минтақада юзага келган Ғарбга қарши сиёсий қарашларни бостириш, (б) коммунистик ғояларнинг ривожланиши ва кўшни давлатлар ҳудудида тарқалишига йўл қўймаслик.

Бунинг учун Америка Қўшма Штатлари минтақа мамлакатлари орасида зиддиятни кучайтириш ва ўз хавфсизлигига ишончсизлик уйғотиш сиёсатини олиб борди. АҚШда ҳамма бир-биридан шубҳаланадиган шароитда Ғарб учун Форс кўрфазида инқироз «тугунлари»ни яратиш ва шу орқали минтақа давлатларини ўз «ўйин қоидалари»га бўйсундириш осон кечади, деб ҳисоблашарди.

Америка Қўшма Штатлари ва монархия мамлакатлари ҳарбий соҳада саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва умумий ҳарбий-сиёсий йўналишда иш кўриш зарур деган тўхтамга келдилар. Бундай ҳамкорлик кўп жиҳатдан асосий мақсадлари юқорида айтиб ўтилган ҳарбий-сиёсий курсни амалга ошириш ҳамда маҳаллий ҳокимият вакилларининг хавфсизлигини таъминлаш бўлган Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгашининг ташкил этилишига имкон яратди.

Диссертациянинг «**Форс кўрфази араб монархияларининг ички ва ташқи сиёсатида энергетика соҳасидаги устувор йўналишлар**»га бағишланган иккинчи бобида хавфсизликнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий шарт-шароитлари ҳамда ҳарбий-сиёсий индикаторларининг араб монархиялари энергетика сиёсатидаги устувор йўналишларга, давлат ташқи сиёсатининг асосий омили сифатида углеводородлар экспорти ва импорти стратегиясининг шаклланишига таъсир этиш қонуниятини комплекс таҳлил қилинган.

**«Ижтимоий-сиёсий омил давлат энергетика сиёсатининг асоси сифатида»**номли 2.1-параграфда муаллиф амалга оширган таҳлил ижтимоий-сиёсий омилнинг Форс кўрфази давлатлари энергетика сиёсатининг шаклланиши ва амалга оширилишига жиддий таъсир қилишидан далолат бермоқда.

---

<sup>6</sup>Ўша манба. –Б. 9.

Ижтимоий омил ушбу монархияларнинг давлат бюджетини тўлдиришнинг асосий манбаи ва иқтисодиётнинг асоси бўлган энергия манбаларини сотишдан олинadиган даромадларни тақсимлашда муҳим роль ўйнайди.

Маданий-марифий анъаналар, миллий-этник муҳит ҳамда шаклланган давлатчилик тизими ўзининг диний мақоми, миллий ҳокимият институтларининг диний йўналтирилганлиги билан бирга яратилган иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг ўзига хос модели учун асос бўлди. Давлат даромадларининг ҳар бир фуқарога тақсимланиши ҳамда каттагина ижтимоий таъминот чоралари (аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатилилиши, бепул таълим тизими ва бошқалар) ушбу моделнинг хусусиятларидан бирини ташкил этди.

Нефть сотишдан олинadиган давлат даромадлари жамият ҳаётини ташкил этишнинг бутун тизимини белгилайди. Фаол ижтимоий сиёсат туфайли араб монархиялари ҳаёт индекси (у ёки бу давлат аҳолисининг ижтимоий таъминоти ва турмуш даражасини баҳолашнинг асосий мезони бўлган фуқароларнинг ўртача умр кўриш даражаси) бўйича иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олган. Эркаклар ўртача 72 йил, аёллар эса 76 йил умр кўришади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ушбу тизими мамлакатларнинг ички сиёсатини ҳам, ташқи сиёсатини ҳам белгилаш ва амалга оширишда давлат устунлик қилишига олиб келган (шу маънода энергетика соҳаси ҳам бундан мустасно эмас). Бу эса минтақа давлатларининг барқарор ривожланишига, саноати тараққий этган давлатларнинг қолоқ хомашё етказиб берувчисидан жаҳон иқтисодиётининг халқаро энергетик, индустриал марказларига айланишига йўл қўймаслик учун иқтисодий ва сиёсий хавф-хатарларни юзага келтиради.

Давлатнинг энергетик ресурслар экспортига ниҳоятда қарамлиги билан, ижтимоий сиёсатининг хусусиятлари билан боғлиқ иқтисодиёт ва сиёсатдаги яқка ҳуқумронлиги (устунлиги) давлат иқтисодий секторининг ҳаддан ташқари «шиширилиши»га ва самарасизлигига олиб келади. Ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйган ва углеводородларни сотиш орқали давлатнинг мақсадсиз сарф-харажатларини қоплаб келган Сурия тажрибаси бунга мисол бўла олади<sup>7</sup>.

Давлат даромадларининг энергия манбалари экспортига ҳаддан зиёд боғлиқлиги яна бир салбий оқибатга, яъни уларнинг иқтисодий секторни ҳам, давлат тузилишини ҳам ривожлантириш ва ўзгартириш бўйича аниқ ифодаланган ва узоқ муддатли стратегияси бўлмаслигига олиб келади<sup>8</sup>.

<sup>7</sup> Lynch, Marc. The New Arab Order Power and Violence in Today's Middle East // <https://www.foreignaffairs.com/articles/middle-east/2018-08-13/new-arab-order>(12.04.2019)

<sup>8</sup>Технические данные по регионам и странам мира можно просмотреть, в частности у А. Булатова: Страны и регионы мира: экономико-политический справочник. – М.: Пегас, 2016. – 698 с.

Бундан ташқари, давлатларнинг жаҳон майдонида, шу жумладан, жаҳон энергия ресурслари бозори ниҳоятда ўзгариб турган шароитда, миллий манфаатларни илгари суришда энергетика омилидан фойдаланиш имкониятларини ўта юқори баҳолаши уларнинг ташқи барқарорликни издан чиқарувчи омилларга, минтақа ташқарисидаги куч марказларига қарши самарали курашиш имкониятига салбий таъсир кўрсатади.

Экспертларнинг фикрига кўра, келажакда юз бериши мумкин бўлган инқирозларнинг олдини олиш учун улар иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда мувозанатни бузиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўришлари керак<sup>9</sup>. Бунда бутун диққатни иккита асосий муаммони ҳал қилишга қаратиш зарур:

фуқароларнинг ижтимоий фаровонлиги ва инсон омили энергия ресурсларини экспорт қилишдан олинadиган даромадларга боғлиқлигини камайтириш;

мамлакат иқтисодиёти минтақанинг энергетика салоҳиятидан фойдаланишга боғлиқ бўлиб қолишини келтириб чиқарувчи бир ёқлама ривожланишини бартараф этиш.

Мазкур муаммоларнинг ҳал этилиши давлат, жамият қурилиши асосларига муқаррар равишда тузатиш киритилиши, энергетик сегментнинг технологик жиҳатдан қайта қуроллантирилиши ҳамда минтақа мамлакатларини индустриал ривожлантиришга қаратилиши билан бевосита боғлиқ.

Шу муносабат билан минтақа давлатлари ижтимоий-сиёсий соҳадаги ўз стратегияларини модернизация қилиб, углеводородларни сотишдан тушган маблағларни қуйидаги соҳаларга қайта йўналтириш масаласини кўриб чиқмоқдалар:

таълимни ривожлантириш, унинг сифатини ошириш ва ижтимоий дотациялар чегарасини пасайтириш. Таълим даражасини ошириш монархияларга иқтисодий фаол аҳоли сонини кўпайтириш, ўзини даромадлари билан таъминлай оладиган фуқароларнинг ҳаракатчанлигини ошириш имконини беради<sup>10</sup>.

иқтисодиётнинг илгари фойдаланилмаган ёки ривожланишдан ортда қолган, жумладан индустриал соҳаларини ишга тушириш эвазига ишсизлар сонини камайтириш;

янги иш жойларини миллий кадрлар билан тўлдириш ва ҳоказо.

Шу билан бирга, ўрта ва узоқ муддатли истикболда давлатнинг нефтни ва нефть маҳсулотларини сотишдан олган даромадларининг катта қисмини ижтимоий соҳага йўналтириши минтақа мамлакатлари энергетика сиёсатининг устувор йўналиши, монархияларнинг ижтимоий-сиёсий

<sup>9</sup> Accelerating Entrepreneurship in the Arab World,” World Economic Forum with Booz and Company, 011, [http://www3.weforum.org/docs/WEF\\_YGL\\_AcceleratingEntrepreneurshipArabWorld\\_Report\\_2011.pdf](http://www3.weforum.org/docs/WEF_YGL_AcceleratingEntrepreneurshipArabWorld_Report_2011.pdf). (12.04.2019)

<sup>10</sup>World Development Indicators: Unemployment 2018 The World Bank. <http://wdi.worldbank.org/table/2.5> (04.05.2019)



жихатдан нисбий барқарорлигини ҳамда улар халқлари турмушининг эришилган даражасини сақлаб туришнинг муҳим шарти ва воситаси бўлиб қолади.

**«Углеводородларнинг экспорт ва импорти, энергетик стратегия тизими – араб монархиялари ташқи сиёсатининг устувор омили»** номли 2.2-параграфда қайд этилишича, Яқин Шарқдаги энергетика дипломатияси нефть ва газ қазиб олувчи давлатларнинг нафақат потенциал сармоядорларни излаш, балки энергияни сотиш имкониятларини ҳам кенгайтириш ҳаракатлари билан ҳам боғлиқдир. Аммо углеводород манбаларининг нархи масаласидаги «мунтазам бўлмаган» сиёсатга асосланган юқори даражадаги давлатлараро рақобат бунга тўсқинлик қилади<sup>11</sup>.

«Углеводород энергияси»га муҳтож давлатларнинг кўплиги унинг асосий кўрсаткичи (идентификатори) ҳисобланади. Жаҳон энергетика сиёсатидаги тренд кўрсаткичлар, жумладан талабни ва ресурслар қазиб олишни ўрганиш билан шуғулланувчи махсус тадқиқот марказларининг фаолияти – булар нефть, газ, кўмир ва бошқа энергия манбаларини қазиб олишнинг ривожланиш йўналишларини аниқловчи ўзига хос кўрсаткичлардир<sup>12</sup>. Сўнгги ярим асрда (албатта, бунга 1960 йилда Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЭК)<sup>13</sup> ташкил этилгунига қадар бўлган давр ва бундан ташқари, охириги 2008 йилда бўлган жаҳон иқтисодий инқирозларининг даврий табиати кирмайди) Форс кўрфазида нефть ва газ қазиб олиш жаҳон хўжалигининг ривожланиш йўналишларини белгилайдиган барқарор глобал омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда<sup>14</sup>.

Турли босқичларда шаклланаётган импорт қилувчи мамлакатлар диспозициясининг халқаро-сиёсий «мозаикаси» ҳам, углеводородларга қизиққан баъзи давлатлар уларнинг ички ишларига аралашishi ҳам кўринади<sup>15</sup>. Бизнинг фикримизча, Яқин Шарқдаги энергетика дипломатиясига ушбу минтақа учун хос мақсадларга эга мураккаб ва тизимли фаолият сифатида қараш жоиз. Аслида, бу Яқин Шарқ давлатлари энергетика сиёсатининг моҳиятини очиб берадиган, уларга музокаралар жараёнида ёрдам берадиган ҳамда нефть ва газ операцияларида стратегия ва тактика ишлаб чиқилишини таъминлайдиган фаолият туридир<sup>16</sup>.

<sup>11</sup> Amena Bakr. Saudi Arabia Warns of Shift Away from U.S. over Syria, Iran // Reuters. – 2013. – October 22. Accessed March 10, 2019 at <http://www.reuters.com/article/us-saudi-usa-idUSBRE99L0K120131022> (08.05.2019)

<sup>12</sup> Макаров А. Мировая энергетика и Евразийское энергетическое пространство. – М.: Энергоатомиздат, 2009. – С. 34–35.

<sup>13</sup> Ежегодные статистические бюллетени ОПЕК. – 1999–2016 гг. // <http://www.opec.org/> дата обращения 08.08.2018

<sup>14</sup> Субханкулова Р. О нефтегазовой отрасли Ирака. – М.: Ин-т Бл. Востока, 2014. – 98 с.; Её же. Проблемы субсидирования топливно-энергетического комплекса в Саудовской Аравии // Ближний Восток и современность. – М.: Ин-т Бл. Востока, 2014. – С. 186–202; Bassam Fattouh, Laura El-Katiri. Energy Subsidies in the Arab World // Arab Human Development Report. – 2012.

<sup>15</sup> Christopher M. Blanchard. Saudi Arabia Background and U.S. Relations // Congressional Research Service, February 12, 2014

<sup>16</sup> Hilsman R. Strategic Intelligence and National Decisions. – Glencoe, 1956. – 192 p.; Platt W. Strategic Intelligence Production: Basic Principles. – Santa Barbara: Praeger Publishers, 1957. – 302 p.

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчасини полифоник мазмунга эга энергоресурс дипломатияси сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир<sup>17</sup>.

Бундай дипломатиянинг асосий жараёнлари оддий музокаралар жараёнидан анча фарқ қилади. Форс кўрфазидаги энергетика дипломатияси Яқин Шарқ давлатларининг энергия манбаларини ишлаб чиқариш, ташиш, саноат йўли билан «терминаллаштириш» ва ишлатиш соҳасидаги ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий вазибалари мажмуидир<sup>18</sup>.

Бу жаҳон нефть ва газ бозорлари учун қулай шарт-шароитларни таъминлашда, глобал энергетик ҳамжамиятда мамлакатларнинг мавқеини мустаҳкамлашда намоён бўлади<sup>19</sup>.

Қайд этиш лозимки, Форс кўрфазидаги энергетика дипломатияси ўзига хос жиҳатларга эга. Айрим тадқиқотларда<sup>20</sup> бу белгилар, юқорида таъкидланганидек, ташқи сиёсат идоралари ва энергетика компанияларининг чамбарчас алоқадорлиги (ҳамкорлиги)да кузатилиши таъкидланади.

XXI асрга келиб Яқин Шарқ углеводород хомашёсини экспорт ва импорт қилувчи йирик давлатлар энергетик омил билан боғлиқ ўз концепцияларини шакллантирдилар. Ушбу концепцияларга хос хусусият шундаки, давлатларнинг энергетика сиёсати ушбу давлатлар ташқи сиёсий стратегиясининг асосий қисмини ташкил этади, уларда миллий манфаатларнинг амалга оширилиши мамлакат энергетика хавфсизлигининг таъминланиши, миллий энергетика компаниялари ривожланишининг ташқи иқтисодий муаммолари ҳал қилиниши билан боғлиқ.

Энергия ишлаб чиқарувчилар учун углеводород нархларининг улар учун мақбул даражада ушлаб турилиши ниҳоятда муҳимдир. Ана шунинг учун ва, аввало, нархларни ўз манфаатлари йўлида белгилаш мақсадида сотиш бозорларини деярли ҳар доим диверсификация қилиш ва йириклаштириш амалга оширилади.

Истеъмолчи мамлакатлар учун, одатда, нархлар кескин кўтарилиб кетишининг олдини олиш, мамлакатни ташқи манбалардан узлуксиз энергия билан таъминлаш ва бу йўлдаги хавф-хатарларни бартараф этиш асосий вазибадир. Айни вақтда транзит мамлакатлар учун энергия ресурсларини

---

<sup>17</sup>Текеев А. Политические технологии в энергетической дипломатии // Обозреватель. – М., 2013. – № 10. – С. 24-37.

<sup>17</sup>OPEC Annual Statistical Bulletin-2018 <http://www.thegulfintelligence.com/mediafiles/downloadfile/4833753a-f159-46f2-8dc0-f2335344ebe6.pdf>

<sup>18</sup>OPEC Annual Statistical Bulletin-2018 <http://www.thegulfintelligence.com/mediafiles/downloadfile/4833753a-f159-46f2-8dc0-f2335344ebe6.pdf> дата обращения 04.05.2019г.

<sup>19</sup>Krane, Jim «Stability versus Sustainability: Energy Policy in the Gulf Monarchies» <https://www.bakerinstitute.org/media/files/files/b20a5933/Krane.pdf> дата обращения 12.05.2019

<sup>20</sup> Григорьева О. Роль дипломатии государства в мировом энергетическом пространстве: современные теоретические подходы // Вестник СПбУ. – Сер. 6. Политология. Международные отношения, 2015. – Вып. 2. – С. 130–140; Hocking B., Melissen J., Riordan S., Sharp P. Futures for Diplomacy. Integrative Diplomacy in the 21st Century // Netherlands Institute of International Relations. – Clingendael, 2016. – Report 1. – October. – P. 1–78; ва бошқ.

ташишдан келадиган даромадларнинг кўпайиши ва уларнинг мамлакат худуди орқали узлуксиз ўтиши муҳим.

Монархиялар энергетика курси (сиёсати)нинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш жараёнида бир қанча асосий жиҳатлар аниқланди:

ҳозирги босқичда жаҳон сиёсатида энергияресурсларининг аҳамияти давлат ресурс-хомашё базасининг асосий турларидан бири ҳисобланади. Углеводород ресурсларини қайта ишлаш натижасида олинган охириги маҳсулотдан фойдаланувчи истеъмолчиларнинг кўпчилиги амалда ўз конларига эга эмасдирлар, ёки кенг кўламли геология-қидирув кампаниялари ва энергетика стратегияларини амалга ошириш учун саноатлари етарли даражада ривожланмаган;

ҳалқаро энергетика тармоғи (экспорт, импорт, транзит)нинг ривожланганлиги ва структуралашганидан қатъи назар, унда мақсадли равишда ҳал қилишни талаб этувчи бир қанча муаммолар бор. Ҳалқаро муносабатларнинг асосий субъекти сифатида давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси улардан биридир.

Яқин Шарқдаги стратегик ноаниқлик ҳолати, энергетика хавфсизлиги тизимига таҳдидлар глобал углеводород трендига тўғридан-тўғри хавф-хатарни келтириб чиқармоқда<sup>21</sup>. Шу жиҳатдан, Яқин Шарқ минтақасига нафақат дунё энергия ресурслари ишлаб чиқарилишининг энг заиф «марказларидан» бири, балки ҳалқаро кун тартибининг муҳим омиллардан бири давлатларининг энергетика сиёсати бўлган минтақа сифатида қараш учун асос беради.

Монархияларнинг энергетика стратегиялари мазмунан ўхшаш бўлса-да, уларнинг ўз экспорт-импорт сиёсатини белгилашда қуйидаги муҳим фарқлар ҳам мавжуд.

БАА Россия Федерацияси, Хитой ва Япония билан ҳамкорликда импортни диверсификация қилиш бўйича ўз лойиҳаларни амалга ошира бошлади.

Қатарнинг ташқи энергетика сиёсати энергетика ресурсларини казиб олиш ва сотиш борасида нисбатан ноаниқ йўналишга эга.

Уммоннинг мўътадил ва мослашувчан ташқи энергетика сиёсати мамлакатнинг ушбу минтақада сиёсати ташқи таъсирлардан нисбатан мустақил эканлигини таъкидлашга имкон беради.

**«Араб монархияларининг геосиёсий ва ҳарбий-сиёсий хавфсизлиги»** номли 2.3 - параграфда муаллиф Форс кўрфазидagi геосиёсий вазиятни таҳлил қилиб, унинг минтақавий хавфсизлигига таҳдид солувчи хавф-хатарлар ва уни таъминлашга таъсир этувчи омилларни кўриб чиққан.

Углеводород ресурсларининг катта захираси мавжудлиги, минтақанинг геостратегик жойлашуви боис араб монархиялари Форс

---

<sup>21</sup>ФедорченкоА., КрыловА. Среднесрочный прогноз развития ситуации в регионе Ближнего Востокаи Северной Африки // Аналитические доклады. – М.:МГИМО-У, 2017. – Вып. 1(47). – 46 с.; Fisher M. How the Saudi-Qatar Rivalry, Now Combusting, Reshaped the Middle East // The New York Times. – 2017. – 13 June.

кўрфазида ва бутун жаҳонда жадал ривожланаётган геосиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиларидан ҳисобланади. Бугун ушбу минтақада халқаро муносабатларнинг кўплаб глобал акторларининг сиёсий, иқтисодий ва, энг асосийси, энергетик манфаатлари жамланган (тўқнашган)<sup>22</sup>.

Ўрмуз бўғози катта стратегик аҳамиятга эга. Бўғоз худудидаги вазиятга сиёсий таъсир кўрсатиш Ўрта ер денгизи ва Ҳинд океани ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш имкониятлари ва механизмларини таъминлайди.

Жаҳон сиёсатидаги, унинг энергетик таркибий қисмидаги тизимли, тектоник ўзгаришлар сабабли Кўрфаз минтақасида комплекс хавфсизликни таъминлаш муаммолари, монархияларнинг энергия ресурслари экспортига тамомила қарамлиги шароитида, алоҳида кескинлик касб этади.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, минтақанинг деярли барча мамлакатлари нефть қазиб чиқариш ва соҳавий логистика хавфсизлиги борасида асосли хавотирдадирлар. Араб мамлакатларидаги тармоқ объектларига у ерда фаолият кўрсатаётган халқаро террорчилик гуруҳлари хавф солмоқда.

Ташқи акторлар – АҚШ, ЕИ, Россия, ХХР, Япония ва Ҳиндистон манфаатлари ўртасидаги зиддиятларнинг борган сари ортиб бораётгани, ушбу давлатларнинг ҳар бири ўз манфаатларини тобора кучли иқтисодий ва сиёсий, жумладан ҳарбий-сиёсий воситалар билан ҳимоя қилишга интилаётгани Форс кўрфазидаги вазиятни янада кескинлаштирмоқда.

Монархияларнинг стратегик ва иқтисодий аҳамияти уларнинг расман АҚШ манфаатлари доирасига киритилишига асос бўлди.

Юқорида кўрсатилган муаммолардан ташқари, Кўрфаз давлатлари ўртасида мавжуд худудий низолар ҳам минтақавий хавфсизликни таъминлашга тўсиқ бўлаяпти. Ўз ечимини кутаётган ана шундай кескин муаммолар сирасига Қатар ва Бахрайн, Қатар ва Саудия Арабистони, Эрон ва БАА, Қувайт ва Эрон, Уммон ва Саудия Арабистони ўртасидаги зиддиятлар киради. Мураккаблик индекси бўйича Катта Тумб, Кичик Тумб, Абу Муса ороллари борасида Эрон ва БАА ўртасида келиб чиққан низолар энг чигали ҳисобланади.

Минтақадаги вазиятнинг мураккаблашувига бу ерда кучайиб бораётган курулганиш пойгаси ва оммавий қирғин курулининг тарқалиши, жумладан, Эрон ядро дастурининг қандай ривожланишини олдиндан айтиб бўлмаслиги бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ҳар қандай геосиёсий силкиниш нафақат монархияларнинг, балки бутун Яқин Шарқнинг ҳам ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига путур етказди. Монархиялар эришган кўп ёки оз даражадаги ички барқарорлик ижтимоий-сиёсий бошқарувнинг самарали модели бўлмай,

---

<sup>22</sup>Krane, Jim. Energy Governance In Saudi Arabia: An Assessment Of The Kingdom's Resources, Policies, And Climate Approach <https://www.bakerinstitute.org/media/files/research-document/09666564/ces-pub-saudienergy-011819.pdf>

асосан, ички субсидиялар ҳисобига сақланиб қолмоқда. Бунга Ливия мисол бўла олади.

Диссертацияда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг яқдил тизимини яратишга тўсқинлик қилувчи тизимли сабаблар ва омиллар кўрсатилган, уларнинг келгуси ривожини прогноз қилинган:

**сиёсий омиллар.** Яқин ва узоқ муддатли истиқболда ташқи ўйинчилар манфаатларининг бир-бирига мос келмаслиги қатъий бўлиб қолаверади ва улар сиёсатининг йўналиши фақат мазкур парадигма ичида ўзгаради;

**иқтисодий омиллар.** Монархиялар ташқи сиёсий курслари энергетик йўналишларининг турличалиги<sup>23</sup> жаҳон иқтисодиёти энергетика тузилмасида тектоник, туб ўзгаришлар бўлгунича (бир турдаги энергия бошқаси билан алмаштирилгунигача ва ҳ.к.) сақланиб қолади. Мазкур ўзгаришлар минтақа мамлакатларини энергетика сиёсатларини яқинлаштиришга, нефть қазиб олиш, уни ташиш ва нефть маҳсулотларининг нархини шакллантиришнинг ягона механизмларини яратишга ундовчи асос бўлиб хизмат қилиши мумкин;

**маданий-ғоявий омил.** Ислом оқимлари ўртасидаги тафовутлар ва зиддиятлар узоқ муддатли истиқболда минтақада ички зиддиятлар ўсиб боришининг омили бўлиб қолаверади. Ушбу омилнинг баъзи экспертлар томонидан башорат қилинаётган келгусида кескинлашуви нафақат Форс кўрфази, Яқин Шарқ минтақасида, балки бутун дунёда халқаро муносабатларнинг, жумладан, энергетика соҳасидаги алоқалар парадигмасини ўзгартириб юбориши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Форс кўрфазига стратегик жихатдан яқиндир. Бу минтақада вазиятнинг яхшиланиши Ўзбекистон учун стратегик жихатдан муҳим истиқболлар: денгиз портларига (Бандар-Аббос, Чохбохор) портларигачиқиш, қулай транспорт йўлаклари; жаҳон бозорлари; терроризм ва диний экстремизмга қарши биргаликда курашиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва бошқалар учун имкониятлар очиши мумкин.

Мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнида Форс кўрфази минтақасида ва умуман Яқин Шарқда хавфсизликни, жумладан, энергетика соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ юқорида кўрсатиб ўтилган мураккаб тамойилларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

**«Форс кўрфази мамлакатлари бозори энергетика конъюнктурасининг сифат жихатдан ўзгариши»** деб номланган учинчи бобда Кўрфаз монархиялари, Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (НЭҚМТ) ҳамда Форс кўрфази араб мамлакатлари ҳамкорлик кенгаши (ФКАМХК) нинг сиёсатини Яқин Шарқ макроминтақаси доирасида юз бераётган жараёнлар контекстида кўриб чиқишга, шунингдек минтақа мамлакатлари углеводород сиёсатининг устувор йўналишларини ушбу

<sup>23</sup> Al Kanani, A., N. Dawood, and V. Vukovic. 2017. Energy Efficiency in Residential Buildings in the Kingdom of Saudi Arabia // Building Information Modelling, Building Performance, Design and Smart Construction, edited by Mohammad Dastbaz, Chris Gorse, and Alice Moncaster, 129-143. Cham, Switzerland: Springer International.

парадигмага муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини киритган ҳолда қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ тамойилларни таҳлил этишга ҳаракат қилинган.

**«Яқин Шарқ минтақаси тизимида монархияларнинг ўрни: энергетика муаммоларини сиёсат ва сиёсатшунослик нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш (англаш)»** номли 3.1-параграфда Яқин Шарқ макроминтақасида рўй бераётган иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг Форс кўрфази мамлакатлари энергетика сиёсатлари ҳамда ташқи сиёсий стратегиялари шаклланишига таъсирининг хусусият ва механизмлари таҳлил қилинди ва аниқланди.

Тадқиқот давомида қилинган асосий хулосалар қуйидагилар:

Биринчиси. Кўрфазбўйи мамлакатларининг энергетик, ташқи сиёсий стратегиялари шаклланиши ва амалга оширилишига таъсир этадиган муҳим омиллардан бири минтақалар ўртасидаги ва минтақа ичидаги муносабатларининг чамбарчас боғлиқлигидир. Бунда Форс кўрфази мамлакатларида юзага келаётган ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-сиёсий, энергетик муаммолар айни вақтда макроминтақанинг ҳам муаммоси бўлиб, глобал хусусият касб этади.

Ушбу ўзаро боғлиқлик ва ўзаро алоқадорлик кўрфазнинг ўз ташқи сиёсатидаги устувор вазифаларни шакллантираётган давлатлари томонидан ҳисобга олиниши лозим. Масалан, XXI аср иккинчи ўн йиллигининг охири Сурия, Ливия, Ямандаги инқирозлар, Эрон ва Саудия Арабистони ҳамда Фаластин ва Исроил ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви боис мураккаб палла бўлди<sup>24</sup>. Ушбу жараёнлар, шубҳасиз, кўрфаз мамлакатлари учун муаммо туғдирмоқда, аммо улар макроминтақа мамлакатлари ва минтақадан ташқаридаги куч марказларининг сиёсатларига қараб ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўллари изламоқдалар.

Иккинчиси. Минтақанинг деярли барча давлатларида коррупция ва «уруғ-қабилла капитализми» қолдиқлари мавжуд бўлиб, давлат бошқаруви механизмларининг самарадорлиги, қонун устуворлиги, хавфсизлик билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келмоқдалар.

Бошқарув соҳасидаги ушбу муаммолар бу мамлакатларнинг ташқи сиёсат, энергетика стратегияларини шакллантириш ва амалга ошириш, ташқи сиёсат соҳасида улкан вазифаларни кўйиш имкониятини сезиларли даражада чеклайди.

Учинчиси. Форс кўрфази ва Яқин Шарқда минтақавий хавфсизликнинг умумий парадигмаси мавжуд эмаслиги давлатларнинг энергетика стратегияларини шакллантириш, макроминтақаларда ва глобал иқтисодий, энергетика бозорларида миллий манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини чекловчи жиддий омиллардан биридир. 2011 йилдаги араб исёнлари, шунингдек Сурия инқироzi аввалги минтақавий сиёсий мўлжаллар

---

<sup>24</sup>Laura El-Katiri and Bassam Fattouh. A Brief Political Economy of Energy Subsidies in the Middle East and North Africa // <https://journals.openedition.org/poldev/2267>

(кадриятлар), уларни амалга ошириш механизмлари ҳозирги шароитда ишламаётганини, бугунги воқеликка мос келмаслигини кўрсатди. Айтилган вақтда минтақавий ривожланишнинг мутлақо янги йўналишини (курсини) шакллантириш учун курашда ҳеч бир янги миллий ва минтақавий ғоя мавқеига эга бўлмади<sup>25</sup>.

Кенг қамровли сиёсий институтлар ва кучлифуқаролик жамияти йўқлиги боис минтақадаги ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатларини илгари суришга интилоқда. Бу жараён суннийлар ва шиалар, давлатлар ва нодавлат субъектлари ўртасида тўхтовсиз кечаётган низолар сабабли янада кучаймоқда. Дин омили ҳамон минтақавий зиддиятларда ҳал қилувчи ва асосий рол ўйнамоқда.

Форс кўрфази Яқин Шарқ билан бирга кўп жиҳатдан тизимлашмаган ва гомоген бўлмаган минтақа бўлиб қолмоқда, бу эса ўз навбатида, нафақат кўрфаз давлатлари ва минтақадан ташқаридаги субъектларнинг энергетик лойиҳаларини амалга оширишни, балки халқаро масалаларни ҳал қилишни ҳам қийинлаштирмоқда.

(1) Яқин Шарқ нефтининг деярли барча истеъмолчилари аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган давлатлар бўлиб, уни талаб даражасида ушлаб туришга ҳаракат қиладилар. Мазкур давлатларда ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда ривожланиши энергия сарфининг ҳам мутаносиб тарзда ошиб боришига олиб келмоқда. Улар орасида фақат Франция ва Япония каби кам сонли давлатларгина ўз энергетик мустақиллигини таъминлай олган бўлсалар, қолган мамлакатлар ҳали-ҳануз углеводород хомашёсининг фаол истеъмолчилари ҳисобланади. Мазкур шароит ушбу давлатларнинг энергетика борасидаги манфаатларини илгари суриш ва нефть маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилишига эришиш учун турли воситалар (дипломатия, ҳарбий кучларни киритиш, экспорт қилувчи мамлакатларда сунъий равишда беқарор вазиятни юзага келтириш каби) дан фойдаланишларига олиб келмоқда<sup>26</sup>.

(2) Нефть экспорт қилувчи давлатларнинг нисбий сиёсий-иқтисодий беқарорлиги уларнинг углеводород хомашёсини қазиб олиш ва экспорт қилишдан манфаатдорлигини кафолатловчи омил бўлиб хизмат қилади, бу эса узоқ муддатли истиқболда қулай вазиятни юзага келтиради<sup>27</sup>.

(3) Муқобил энергия тармоғининг технологик жиҳатлари ва энергия бериш имкониятининг нисбатан чекланганлиги табиий равишда импорт қилувчи мамлакатларни арзон ва мобил углеводород хомашёси олишга йўналтиради. Бу ҳолатда бутун халқаро ҳамжамият энергетик хавфсизлигини

<sup>25</sup>EIA (U.S. Energy Information Administration). 2017. Country Analysis Brief: Saudi Arabia. Washington, D.C.: U.S. Energy Information Administration ———. 2018. «Electric Power Monthly». Last modified December 26, 2018 // [https://www.eia.gov/electricity/monthly/epm\\_table\\_grapher.php?t=epmt\\_5\\_6\\_a](https://www.eia.gov/electricity/monthly/epm_table_grapher.php?t=epmt_5_6_a). (18.05.2019)

<sup>26</sup>Fattouh, B. and L. El-Katiri (2012b) Energy Subsidies in the Arab World, Arab Human Development Report Research Paper, (New York: UNDP Regional Bureau for Arab States) // <http://www.arab-hdr.org/publications/other/ahdrps/Energy%20Subsidies-Bassam%20Fattouh-Final.pdf> (18.05.2019)

<sup>27</sup>Gordon, Deborah, Adam Brandt, Joule Bergerson, and Jonathan Koomey. 2015. Know Your Oil: Creating a Global Oil-Climate Index. – Washington, D.C.: Carnegie Endowment for International Peace.

таъминлашнинг комплекс механизмини яратиш учун замонавий халқаро институционал-ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Жаҳон энергия ресурслари бозоридаги вазият беқарор, Яқин Шарқ нефть майдонидаги асосий ўйинчиларнинг манфаатлари ўзаро мос келмаётган шароитда Форс кўрфази монархиялари ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суришнинг аниқ, тартибга солинган механизмини яратишдан манфаатдордирлар. Бироқ «энергетика хавфсизлиги» тушунчасининг замонавий талқини асосан Ғарбда кенг тарқалган таъриф ва атамаларнинг баҳсли йиғиндиси бўлиб, Кўрфаз мамлакатларининг энергетика соҳасида юзага келадиган барча муаммоларини акс эттирмайди<sup>28</sup>.

Араб монархияларининг энергетик хавфсизликни таъминлаш борасидаги тажрибасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг энергетик хавфсизлигини таъминловчи, хусусан, энергетика сиёсатини диверсификация қилиш йўллариини назарда тутувчи миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

**«Глобал жараёнларнинг монархияларнинг ташқи, жумладан энергетика билан боғлиқ сиёсатига таъсири»** номли 3.2-параграфда қайд этилишича, ҳозирги кунда Форс кўрфази монархиялари Саудия Арабистони, Қатар ва БАА бошчилигида энергетика омили ва молиявий масалалар билан боғлиқ глобал сиёсий жараёнларга таъсирини борган сари кучайтириб бормоқдалар. Буларнинг барчаси халқаро муносабатлар тизими шиддат билан глобаллашаётган ва унинг кўп қутбилиги чуқурлашаётган шароитда рўй бермоқда. Ушбу жараёнлар доирасида монархиялар энергетика сиёсатининг шаклланиши ва амалга оширилиши миллий, минтақавий ва глобал бошқарувнинг кўп қиррали таъсири остида кечмоқда. Геосиёсий ва иқтисодий фаолликнинг Ғарбдан Шарққа глобал қайта тақсимланиши монархияларнинг иқтисодий, сиёсий ва энергетик мўлжалларига бевосита таъсир этмоқда<sup>29</sup>.

Монархиялар глобал бошқарув механизмларининг институционал архитектурасини қайта қуриш бўйича фаол чоралар кўрмоқдалар. Улар, хусусан, иқтисодий ва энергетик курсларини (сиёсатларини) дунё куч марказларининг кўчишига қараб тез ўзгартириш бўйича мақсадли стратегиялар ишлаб чиқмоқдалар<sup>30</sup>.

Ушбу босқичда Хитой томон кўп ўлчамли силжиш кузатилмоқда (шаклланмоқда). Хитойнинг 2001–2005 йилларга мўлжалланган ўнинчи беш

---

<sup>28</sup>El-Katiri, L. and B. Fattouh (2011) Energy Poverty in the Arab World: The Case of Yemen, MEP 1 (Oxford: The Oxford Institute for Energy Studies) // [http://www.oxfordenergy.org/wpcms/wp-content/uploads/2011/08/MEP\\_1.pdf](http://www.oxfordenergy.org/wpcms/wp-content/uploads/2011/08/MEP_1.pdf)

<sup>29</sup>Sdrilevich, C., R. Sab, Y. Zouhar and G. Albertin (2014) Subsidy Reform in the Middle East and North Africa Recent Progress and Challenges Ahead, IMF Middle East and Central Asia Department (Washington, D.C.: International Monetary Fund) // <http://www.imf.org/external/pubs/ft/dp/2014/1403mcd.pdf>

<sup>30</sup>GauseSh, F.G. (2013) Kings for All Seasons: How the Middle East's Monarchies Survived the Arab Spring, Brookings Doha Center Analysis Paper (Washington D.C. and Doha: The Brookings Institution) // [http://www.brookings.edu/~media/Research/Files/Papers/2013/09/24-resilience-arab-monarchies-gause/Resilience-Arab-Monarchies\\_English.pdf?la=en](http://www.brookings.edu/~media/Research/Files/Papers/2013/09/24-resilience-arab-monarchies-gause/Resilience-Arab-Monarchies_English.pdf?la=en)



йиллик ривожланиш режасида илк бор «энергетик хавфсизлик» атамаси қайд этилган<sup>31</sup>. 2005 йилда Хитой Гвадарда (Покистон) чуқур денгиз порти ва ҳарбий денгиз базасини очди. Ушбу портларнинг Ормуз бўғози яқинида жойлашгани Хитойга Яқин Шарқ ва Африкада нефть хомашёсини олиб киришда, транзит терминалига қўшимча равишда, Арабистон денгизида стратегик имкониятларни очиб беради.

Ҳиндистон ҳам монархияларга ўзининг янада кенгроқ стратегик ва тижорат манфаатларининг ажралмас қисми сифатида қарайди. 1970–80-йилларда Ҳиндистон ва монархиялар ўртасидаги муносабатларда узоқ давом этган нисбий сустликдан (пассивликдан) кейин ХХІ асрнинг биринчи ўн йиллигида Ҳиндистоннинг Форс кўрфазида яна фаоллаша бошлагани кузатилди. 2008 йилда Ҳиндистон Қатар билан мудофаа соҳасида, Уммон билан эса денгиздаги хавфсизлик борасида ҳамкорлик шартномаларини имзолади. Томонлар барқарорликка таҳдидларга қарши кураш бўйича маълумот алмашишга келишиб олдилар<sup>32</sup>.

Россия Федерацияси ҳам умуман Форс кўрфази давлатлари, хусусан Қатар ва Саудия Арабистони билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини анча кенгайтирди. Россия давлат раҳбарининг 2007 йил февраль ойида Форс кўрфази мамлакатларига ташрифи москвалик юқори мартабали шахсларнинг совет ва постсовет даврида минтақага амалга оширган биринчи ташрифи эди. Бундан ташқари, Саудия Арабистони қироли Салмон бин Абдулазиз Ал-Сауднинг 2017 йилда Россия Федерациясига ташрифи мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди<sup>33</sup>.

Айни ватда, Форс кўрфази ва Ғарб мамлакатларининг ўзаро муносабатлари алоҳида, устувор аҳамиятга эга. Монархиялар АҚШ ва НАТОнинг ташқи хавфсизлик кафолатларига қарам бўлган ва ҳамон қарам бўлиб қолмоқда.

**Шу билан бирга, ҳозирги тамойиллар монархияларнинг ташқи сиёсий курси Шарққа ўзгара бошлаганини кўрсатмоқда.**

Яна бир муҳим хулоса шундан иборатки, минтақадаги кучларнинг қайта гуруҳланишидаги иқтисодий ва сиёсий жойлашувининг ўсиш суръатига қарамай, араб монархиялари Ғарб куч марказлари, биринчи навбатда, АҚШ билан хавфсизликка оид икки томонлама битимларга қатъий қўшилганича қолмоқдалар.

**«Минтақада энергетика сиёсатини диверсификация қилишнинг замонавий тамойиллари»** номли 3.3-параграфда энергетика ресурсларининг қайта тикланадиган манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш нуктаи назаридан энергетика сиёсатини диверсификация қилишнинг асосий тамойиллари кўриб чиқилган. Кўрфаз давлатлари

<sup>31</sup> Митрова Т. Проблемы глобальной энергетической безопасности: Инф.-аналит. м-л. – М: Феникс, 2014. – С. 73–75.

<sup>32</sup> Mathew R. Qatar and India Agree to Expand Security Ties // Gulf Times. – 2009. – November, 10.

<sup>33</sup> В 2018 году товарооборот России с Саудовской Аравией составил 1 054 857 321 долл. США, увеличившись на 15,26% (139 659 122 долл. США) по сравнению с 2017 годом.

ҳозирнинг ўзидаёқ узоқ муддатли энергия манбаларининг айнан қайси кичик турларига эътибор қаратаётгани кўриб чиқилган.

Минтақанинг қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиши муқаррар равишда чуқур сиёсий-иқтисодий оқибатлар мажмуини келтириб чиқаради, хусусан, жаҳон иқтисодиётида, жумладан, қазиб олинадиган энергетика ресурсларининг жаҳон нархларида тузилмавий ўзгаришларга сабаб бўлади. Ушбу монархиялар энергетика сиёсатларининг диверсификацияси билан боғлиқ тамойил ёки тамойиллар муайян даражада экспорт ва импорт қилувчиларнинг ҳам манфаатларига таъсир этади. Араб монархияларининг эҳтимоли бўлган арзон атом энергиясига ўтишларининг тизимли оқибатларидан бири хомашё иқтисодиётига қарам бўлмаган ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириши мумкинлигидир.

Монархиялар иқтисодий сиёсатида диверсификацияга ўтиш Ғарб (Евроатлантика) ва Шарқ (Осиё-Тинч океани минтақаси) куч марказларининг манфаатларига таъсир этиши аниқ. Монархияларнинг атом энергиясини ривожлантириш ҳисобига ўз газ-нефть комплексларини диверсификация қилишга интилишлари Форс кўрфази давлатларининг ички энергетика жараёнларига ташқаридан таъсир қилишга уринишларнинг ўзига хос катализатори вазифасини бажариши мумкин<sup>34</sup>.

Ушбу вазият, шубҳасиз, минтақа мамлакатлари томонидан диверсификация сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ҳисобга олинмоқда.

Бу жиҳатдан давлат ҳудудида Кореянинг йирик компанияси КЕРСО билан 4 та ядро реактори ўрнатиш тўғрисида келишув имзолаган Абу-Даби амирлиги тажрибаси алоҳида диққатга сазовордир<sup>35</sup>. Ҳозирги босқичда БААга фақат мақсади 2020–2030 йилларда муқобил энергия ишлаб чиқиш ва сотиш бўлган King Abdullah City for Atomic and Renewable Energy ташкилотини тузган Саудия Арабистонигина «асосий рақобатчи» бўлиши мумкин, деб ҳисобланади<sup>36</sup>.

Форс кўрфазининг бошқа мамлакатларига келсак, уларнинг ҳозирги иқтисодий ҳолати технологик, молиявий, юридик, логистик ёки ҳудудий имкониятлари бўлмаганлиги сабабли ушбу соҳада ҳаттоки бирор кўламли тадқиқотлар ўтказилишига ҳам имкон бермайди.

Кўрфаз давлатлари қайта тикланадиган энергия манбалари станцияларини жадал қуриш учун бошқа мамлакатларга қараганда анча қулай шароитларга эга. Бу қуйидаги муҳим жиҳатлар билан изоҳланади:

араб монархияларида авторитар тартиботлар ҳумрон бўлгани боис маҳаллий аҳоли томонидан АЭС қурилишига қарши норозилик билдирилиши ёки идоралараро зиддиятлар чиқиши хавфи энг кам даражададир;

<sup>34</sup> Colombo, S. and Ragab, E. (2015) Foreign Relations of the GCC Countries amid Shifting Global and Regional Dynamics. Gulf Research Centre. Cambridge.

<sup>35</sup> [www.enec.gov.ae/index/](http://www.enec.gov.ae/index/)(28.05.2019)

<sup>36</sup> Nuclear Energy: Can It Be the Choice for Sustainable Future. – Istanbul, 2015. – 15p.

минтақа мамлакатларининг молиявий инфратузилмаси ва имкониятлари шундайки, улар бемалол муқобил энергия, жумладан, атом энергияси манбаларини қуришга қодирдирлар<sup>37</sup>;

Кўрфаз мамлакатлари минтақада саноат ва инфратузилмавий мегалойиҳаларни амалга ошириш соҳасида бой тажрибага эга;

монархиялар ҳам анъанавий, ҳам қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқариш учун улкан ҳудудий маконларга эга.

Энергия ресурслари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга соҳани техник жиҳатдан модернизация қилиш чора-тадбирларини мураккаблаштириш ҳисобидан эмас, балки ресурсларни ички истеъмолдан олиб, экспортга йўналтириш орқали эришилади. Бунга йиллик кўрсаткичлари 113 миллион тонна нефтни ташкил қилувчи Саудия Арабистони (2017 йилги маълумотларга кўра дунёда олтинчи ўринда турган) мисол бўла олади, бу улардан оқилона фойдаланилган тақдирда энергетика соҳасидаги экспортнинг сифат-миқдор кўрсаткичларини камида 50%га ошириш имконини беради<sup>38</sup>.

Шу жиҳатдан қараганда, Кўрфаз монархияларининг муқобил энергия манбаларини муомалага киритиши углеводородлар атрофида юзага келган халқаро вазиятдан чиқишнинг энг мақбул йўлидир. Айнан шу боис, монархиялар энергияга нисбатан ўсиб бораётган талабнинг катта қисмини қондириши мумкин бўлган энергетика дастурини яратиш, шунингдек, техникавий билимлар, кўникмалар ва тажрибани ривожлантириш учун иқтисодий жиҳатдан ҳаётбахш ва техник жиҳатдан амалга ошириб бўладиган атом ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан ҳам фойдаланиш устида жиддий бош қотирмоқда. Муқобил энергия манбаларининг жорий этилиши нефтнинг электр энергияси ишлаб чиқариш ва сувни чучуклаштириш учун сарфланишини анча камайтиришга имкон беради, бу эса углеводородлардан кўп йиллар мобайнида экспорт учун ва миллий саноатда хомашё сифатида фойдаланилишини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда Кўрфаз монархиялари углеводород, тўғрироғи энергетика стратегиясининг етакчи тренди – ушбу мамлакатларнинг илгари яратилган ва ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган нефть ва газ инфратузилмасига энергия манбаларининг муқобил турларини улашдир.

Форс кўрфази мамлакатларининг диверсификация бўйича энергетик стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ушбу тажрибаси катта қизиқиш уйғотади ва атом энергетикасини ривожлантириш дастурини амалга ошира бошлаган Ўзбекистонда қўлланиши мумкин.

---

<sup>37</sup>Devarajan, S. and Mottaghi, L. (2016) Whither Oil Prices? // [http://www.worldbank.org/en/news/press-release/2016/07/27/whither-oil-prices/\(28.05.2019\)](http://www.worldbank.org/en/news/press-release/2016/07/27/whither-oil-prices/(28.05.2019))

<sup>38</sup>Mari L. The Economic and Prestige Aspects of Abu Dhabi's Nuclear Program // The Nuclear Question in the Middle East. – Columbia/Hurst, 2014.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги натижаларга келинди:

1. Монархия мамлакатлари энергетика дипломатияларини ўрганишда қўлланилган методологик ёндашувлар, назарий-методик методлар билан бир қаторда, молиявий маблағлар, оммавий, маданий-мафкуравий, сиёсий-иқтисодий омилларнинг ушбу мамлакатлар энергетик стратегияларига, ушбу стратегияларнинг эса халқаро муносабатларга таъсир кўрсатиш механизмларини аниқлаш имконини берди. Ҳозирги кунда Форс кўрфазидаги монархиялар энергетик дипломатиясининг туб негизи Осиё минтақасининг (ХХРнинг кучайиши, Ҳиндистоннинг углеводород ресурсларни нисбатан мақбул нархларда сотиб олишга бўлган талаблари ошиши) кучли таъсири остида дунёда янги ўрнатилган сиёсий ва иқтисодий тартибни ҳисобга олган ҳолда шаклланмоқда.

2. Монархияларнинг энергетика соҳасидаги ҳозирги ҳолати уларнинг давлатчилиги, ташқи сиёсати билан узвийбоғлиқ ҳолда шаклланган ва шаклланмоқда.

3. Монархияларнинг энергетика соҳасидаги ташқи сиёсий мўлжаллари йўналиши ўзаро боғлиқ бўлган ташқи сиёсий, иқтисодий, шунингдек ички ижтимоий-сиёсий муаммолар мажмуи асосида шаклланмоқда. Ушбу муаммолар орасида энг жиддийлари қуйидагилар: аҳолини иқтисодий фаолликка рағбатлантириш механизмларининг йўқлиги; ёшлар орасида ишсизлик даражасининг ошиши; миллий кадрлар ва молиявий маблағларнинг чет элга чиқиб кетиши; меҳнат миграциясининг юқори даражаси; муҳолафат билан мулоқот механизмнинг йўқлиги.

4. Монархиялар ташқи сиёсатининг асосини углеводород ресурсларини экспорт қилиш ташкил этади. Ушбу экспорт дунёдаги жараёнларни сиёсий жиҳатдан муваффақиятли бошқариш воситаси ҳамдир.

5. Ўзбекистон Республикаси Форс кўрфазига стратегик жиҳатдан яқин жойлашган. Шу муносабат билан, ушбу минтақада ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг хавфсизлик ва барқарорликнинг сақланиши (шу жумладан, Эронда барқарорликка эришилиши) Ўзбекистонга ушбу муҳим геостратегик йўналишда ўз экспорт салоҳиятини рўёбга чиқариши – денгиз портлари (Бандер-Аббос, Чохбаҳор), жаҳон савдо йўллари, қулай транспорт, иқтисодий йўлақлар ва бозорларга чиқиш – учун янги имкониятлар очиши мумкин.

Ушбу минтақа мамлакатлари билан терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда ҳамкорликни чуқурлаштириш учун шароитлар яратилмоқда.

6. Ҳар томонлама геосиёсий, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш Форс кўрфази мамлакатларининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Шу билан бирга, мазкур устувор йўналишнинг амалга оширилиши стратегик хусусиятга эга бўлган аниқ концептуал ёхуд доктринал ҳужжатлар ишлаб чиқишни, минтақа давлатларининг ўз энергетик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган мустақил сиёсий курсини шакллантиришни, келишилган ҳолда минтақавий ва халқаро энергетик сиёсатни ишлаб чиқишга юритишни талаб қилади.

7. Углеводород комплекси объектларининг хавфсизлиги ва барқарорлигини кафолатли таъминлаш ушбу давлатлар миллий хавфсизлигининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда<sup>39</sup>. Араб монархияларининг энергетик хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг энергетика сиёсатини диверсификация қилишни ҳам назарда тутувчи Энергетик хавфсизликни таъминлаш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

8. Форс кўрфази мамлакатларининг ҳозирги ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий муаммолари кўп жиҳатдан минтақа ресурс базасининг объектив сабабларга кўра нотекис тақсимлангани ҳамда ташқи кучлар ва етакчи давлатларнинг йиллар давомида ушбу мамлакатларнинг ички ишларига аралашуви билан боғлиқ. Форс кўрфазининг энергетик стратегияси Яқин Шарқда кечаётган сиёсий жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Ташқи иштирокчилар томонидан сунъий равишда қувватлантириб турилган рақобат сиёсий, иқтисодий ва маданий-мафкуравий муаммодир. Уни ҳал қилиш минтақа мамлакатларининг сиёсий элитасидан комплекс ёндашувлар, амалий музокаралар ва ҳамкорлик қилишни талаб этади.

9. Кўрфаз мамлакатлари ўз энергетик хавфсизлигини таъминлаш истиқболларини муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш ва энергетика балансида уларнинг улушининг кўпайтириш билан боғлайдилар. Минтақавий ва минтақадан ташқари кучларнинг иқтисодий ва сиёсий жойлашувидан қатъи назар, араб монархиялари Ғарб мамлакатлари, авваламбор, АҚШ билан хавфсизлик тўғрисидаги икки томонлама битимларга қатъий қўшилиб келмоқдалар.

10. Монархияларнинг ички эҳтиёжларни қондириш учун атом энергетикасига босқичма-босқич ўтиш стратегияси ХХІ асрнинг биринчи ўн йиллигига тўғри келади. Уларнинг ХАЭА билан мақсадли келишувлари ҳамда БААда Барака атом электр станциясининг қурилиши ана шундан далолат беради. Бу ва бошқа далиллар Форс кўрфаз мамлакатларида

---

<sup>39</sup> El-Katiri, L. and B. Fattouh (2011) Energy Poverty in the Arab World: The Case of Yemen, MEP 1 (Oxford: The Oxford Institute for Energy Studies)//[http://www.oxfordenergy.org/wpcms/wp-content/uploads/2011/08/MEP\\_1.pdf](http://www.oxfordenergy.org/wpcms/wp-content/uploads/2011/08/MEP_1.pdf)

энергетика тармоғини диверсификация қилишга барқарор ўтиш даври бошланганини кўрсатмоқда.

Монархиялар энергетика тармоғининг атом энергияси (қолаверса, эҳтимол, бошқа муқобил энергия манбалари) билан таъминлашга ўтказилишиуларга углеводородларнинг асосий ички оқимини ташқи бозорга йўналтириш ва, ўз навбатида, мамлакатнинг экспорт базасини оғир ёки қўшимча молиявий маблағларсиз ва меҳнат сарфламай ёки бошқа харажатларсизбир неча баравар кучайтириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ  
МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ  
УНИВЕРСИТЕТ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ**

**МАХМУДОВ ФУЗАИЛ АХАДУЛЛА УГЛИ**

**ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЙ ФАКТОР В СОВРЕМЕННОЙ ВНЕШНЕЙ  
ПОЛИТИКЕ АРАБСКИХ МОНАРХИЙ ПЕРСИДСКОГО ЗАЛИВА**

**23.00.04. – Политические проблемы международных отношений,  
глобального и регионального развития**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО  
ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

## ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.4.PhD/Siyos119.

Диссертация выполнена в Университете мировой экономики и дипломатии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещён на веб-странице Научного совета ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Мир-Акбар Ходжи-Акбарович Рахманкулов</b> доктор юридических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Зохидullo Иномходжаевич Мунавваров</b> доктор политических наук, профессор
	<b>Мирзохид Акрамович Рахимов</b> доктор исторических наук
<b>Ведущая организация</b>	<b>Ташкентский государственный университет востоковедения</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 при Университете мировой экономики и дипломатии МИД Республики Узбекистан (Адрес: 100077, г. Ташкент, проспект Мустакиллик, 54. Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00, e-mail: [rectorat@uwed.uz](mailto:rectorat@uwed.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Университета мировой экономики и дипломатии (зарегистрирована за № .....). (Адрес: 100077, г. Ташкент, проспект Мустакиллик, 54). Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года

(реестр протокола рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года)

**И.А. Хамедов**

председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ю.н,  
профессор

**Д.Ш. Умарханова**  
секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ю.н

**К.А.Жураев**  
председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ**

**Актуальность и востребованность темы исследования.**  
**Актуальность темы исследования.** Арабские монархии Персидского залива обладают 60 процентами мировых запасов углеводородов и играют важную роль в современной международной геополитической и экономической системе. Отношения данных стран с мировым сообществом проявляются, прежде всего, в процессе технологической переработки углеводородов и их распределения между отдельными странами. Для государств, которые владеют углеводородами, углеводороды являются эффективным механизмом социально-политического влияния на другие государства. Тот факт, что монархии обладают огромными запасами углеводородов, делает их стратегическое и геоэкономическое значение одним из политических факторов, измеряемых глобальными критериями.

С научной точки зрения особый интерес представляет многолетний опыт монархий Персидского залива в развитии энергетики, экономической структуры, а также продвижении национальных интересов на международной арене. В связи с этим основное внимание уделяется изучению влияния внутренних и региональных конфликтов в этих странах на международную экономическую и энергетическую безопасность. В связи с этим возрастает значение исследований, прогнозирующих будущие направления внешней политики богатых энергоресурсами стран в обеспечении экономической и политической безопасности. В исследованиях обоснованы перспективы природных ресурсов на Ближнем Востоке, влияние внешних игроков на внутренние дела региона, переход к альтернативным источникам энергии в энергетической отрасли Персидского залива и экономики при сохранении своих запасов углеводородов что, будет иметь решающее влияние на стратегические перспективы стран залива.

Энергетическая политика арабских монархий Персидского залива является одной из ключевых элементов защиты и реализации их внешнеполитических интересов. Опыт данных стран в определении приоритетов внешней политики посредством энергетической политики очень важен для стран с переходной экономикой, экспортирующих энергоресурсы, в частности Республики Узбекистан. Кроме того, в настоящее время Узбекистан планирует модернизировать газотранспортную систему и



реализовать проект управления газопотоками SCADA<sup>40</sup>. В этой связи изучение опыта стран региона в области экспорта, геологоразведки и методов финансирования проектов в этой сфере будет эффективно способствовать развитию энергетического сектора Республики.

Закон Республики Узбекистан от 25 мая 2019 года «Об использовании возобновляемых источников энергии», Указы Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и от 1 февраля 2019 год № УП-5646 «О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической сетью», Постановления Президента от 21 марта 2019 года №ПП-4249 «О стратегиях дальнейшего развития и реформирования электроэнергетического сектора в Республике Узбекистан» и от 9 июля 2019 года № ПП-4388 «О мерах по обеспечению устойчивых поставок энергоресурсов населению и экономике, финансовому оздоровлению нефтегазовой отрасли и совершенствованию ее системы управления» и результаты данного диссертационного исследования в определенной степени служат выполнению задач, поставленных другими нормативными актами в данной области.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Рассмотренные автором научные труды, опубликованные по проблематике диссертации, можно разделить на две группы.

В первую группу входят труды отечественных и зарубежных ученых, посвященные исследованию теоретико-методологических аспектов энергетических политик субъектов международных отношений. Данные работы подготовлены на основе использования как традиционных методов исторического анализа, так и подходов системного анализа современных политик государств региона.

Из числа отечественных ученых и специалистов по тематике диссертации следует выделить труды Т.Сатторова, Р.Қосимова И. Тангирова, З.Мунавварова, А.Хасанова, С.Гафурова, М.Мухаммадсиддикова, А.Абдусаттарова, З.Соипова и др.<sup>41</sup>.

---

<sup>40</sup> Мирзиёев Ш.М. Нефт ва газ соҳасининг хозирги ҳолати ва истиқболлари // Халқ Сўзи. – 2018. – 20 ноябрь.

<sup>41</sup> Сатторов Т., Р.Қосимов. Капиталистик мамлакатларнинг экономикаси ва сиёсатида Яқин Шарқ нефти, Т., 1980.; Тангиров И. Иран и политические процессы в зоне Персидского Залива. Диссертация на соискание ученой степени к.п.н., Т., 2002.; Гафуров С. Форс кўрфази араб давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси минтақавий ва умумжаҳон хавфсизлиги таъминлаш мавқеи, Диссертация на соискание ученой степени к.п.н., Т., 1999.; Мухаммадсиддиқов М. Саудия Арабистонининг кизил денгиз минтақасида хавфсизликни таъминлаш сиёсати хусусиятлари. Т, 2005.; Абдусатторов А. Форс кўрфази араб давлатлари ташқи

Теоретико-методологическое осмысление проблем, возникающих в связи с развитием энергетических секторов развитых постиндустриальных государств, можно найти в трудах таких исследователей как М. Хамед, Б. Хокинг, Ж. Мелиссен, С. Риордан, П. Шарп, М. Катс, Н. Кеддие, Ж. Келли, С. Мак-Чее, Е. Бугров, А. Булатова, В. Бушуев, Л. Валькова, А. Васильев, К. Алешин, В. Наумкин, А. Шарова<sup>42</sup>.

Вторая группа включает в себя работы известных ученых региона Ближнего Востока, таких как: Р. Али Шейх, С. Амирахмади, Х. Амирзадеги, А. Мирза Тахир, Б. Мусаввар-Рахман, М. Зариф<sup>43</sup>.

